

*Акбар Замонов*

Ўзбекистоннинг янги янги тарихи масалалари  
бўйича мувофиқлаштирувчи методик  
марказнинг сектор бошлиғи

Давлат таълим тизимида тарих фани компоненти: амалга оширилаётган  
ишлар ва муаммолар.

Мамлакатимиз мустақиллика эришгач, тараққиётнинг ўзбек модели деб ном олган йўналашда юртимизда кенг кўламли ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Буни жамиятнинг барча соҳалари каби таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз бераётгалигида ҳам кўришимиз мумкин. Шу жумладан, таълим тизимида тарих фанларининг ўқитилиши ҳам қайтадан кўриб чиқилди. Мустақилликкача бўлган даврда Ватанимиз тарихи умумтаълим мактабларида тарих фани учун ажратилган 476 соатдан 1 соат ҳам Ўзбекистон тарихи фани учун ажратилмаган эди. Ўзбекистон тарихи курси 34 соат (7-синфда 17 соат, 8-синфда 17 соат) факультатив соатлар ҳисобидан ўқитилган. Мазкур курснинг дастури собиқ комунистик партиянинг ғоялари устуворлиги асосида тузилган бўлиб, Ватанмиз тарихи объектив ёндашувларсиз кўрсатилган. Амир Темур, Алишер Навоий, Жалолиддин Мангуберди, Хўжа Убайдулла Ахрор номлари қоралаб кўрсатилган бўлса, Усмон Носир, Чўлпон ва бошқа ватанпарварлар ҳақида бир сатр ҳам берилмаган.

Мутсақил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш, улар онгида миллий итсиқлол тафаккурини ва ватанпарварлик ғояларини шакллантиришда Ватан тарихининг ўрни ва имкониятлари чексиздир.

Ушбу маънода Тарих фанидан Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланди.

Шунингдек, Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган тарих фанининг давлат таълим стандартлари “Таълим тараққиёти” (“Шарқ” нашриёт-матба концерни) 1999 йил, 2-махсус сонидан эълон қилинди.

Мазкур давлат таълим стандартларида “Тарих” фани бўйича талаблар қуйидагича белгиланади:

Ўқувчилар тарих таълими жараёнида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгалашлари шарт:

- Жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг давлари, ижтимоий тузумлар, уларнинг аталиши ва уларга хос хусусиятлар ҳақида тасаввурларга эга бўлиш;

- Аср ва йил ҳисобини билиш, тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг давомийлигини, уларнинг қайси даврга мансублигини айта олиш, эрамиздан олдинги асрларни ҳисоблай олиш;
- Инсоният доимо олдинга интилганлиги, бу эса тарихий тараққиётнинг асос бўлганлигини англиш;
- Жамиятда доимо олдинган интилганлиги, бу эса тарихий тараққиётнинг асоси бўлганлигини англаш;
- Жамиятда ва дунёда кечаётган жараёнларга ўзининг мустақил муносабатини билдира олиш;
- Тарихий манбаларни мустақил ўрганиш асосидаҳулосалар чиқара олиш;
- Тарихий жараёнлар ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Бобомиз Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини ҳақида билимга эга бўлиш;
- Ўрта Осиёдаги хонликларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Ўрта Осиё хонликларидаги феодал муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Подшо Россияси босқини ва уларга қарши курашган ватанпарвар саркардалар, қаҳрамонлар, миллий озодлик ва жадидчилик ҳаракатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;
- миллий мустақиллик ва унинг дастлабки ютуқлари, мамлакатимиз байроғи, герби, мадҳияси, давлат рамзлари, Президенти, ташқи алоқаларига доир тушунчаларга эга бўлиш;
- жаҳон ва Ўзбекистон тарихининг янги даври ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Президент асарларини билиш, уларда илгари сурилган ғоялар асосида мушоҳада юрита олиш;
- харита устида ишлай олиш, тарихий воқеалар юзасидан мустақил мулоҳаза юрита олиш, баён қила олиш, мунозара ва баҳсларда фаол иштирок эта олиш;
- дарслик, қўлланма, харита, тарихий ҳужжат матни устида ҳамда кўргазмали куроллар билан мустақил ишлай олиш;
- тарих таълими жараёнида эгаллаган билимларини эркин баён эта олиш, ўз синфдошларининг фикрларига муносабат билдира олиш;

- ўз мактаби, кўчаси, тумани, қишлоғи, шаҳрининг ўтмиши, бугуни тўғрисида маълумотга эга бўлиш.<sup>1</sup>

Юқоридаги талабларни инобатга олган ҳолда, Умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларида Ўзбекистон ва жаҳон тарихининг қадимги замонлардан XX аср бошларигача бўлган даври ўрганилади.

Тарихий ҳодисалар ва воқеаларни ўрганишга қўйилган талаблар (V-IX синфлар) ўқувчиларнинг ёши, билим савияси, руҳий хусусиятлари, жисмоний ривожланиши даражаларига мос бўлиши лозим. Шунга мувофиқ тарзда ўқув фани қуйидагича ташкил қилинди.

**V-синфда “Тарихдан ҳикоялар”** (68 соат) Тарих фан сифатида ўрганилмай, қисман тарихий тасаввур ҳамда энг содда тушунчаларни эгаллаш билан чекланилади.

**VI-синф Тарих (Энг қадимги дунё)** (68 соат) ўқув фани асосий предмет сифатида ўрганилади. Бунда энг қадимги даврлардан милоднинг V аср иккинчи ярмигача бўлган даврдаги жаҳон ва Ўзбекистон тарихи ўрганилади.

Мазкур даврнинг ижтимоий тузуми, энг қадимги одамларнинг турмуш шароитлари, машғулотлари, дастлабки шаҳар, давлатларнинг вужудга келиши, аҳолининг дастлабки машғулотлари, дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўлиши каби тушунчаларнинг умумий томонларини эътиборга олинган.

**VII-синф Ўзбекистон тарихи** (51 соат)- мамлакатимиз тарихининг IV асрдан XVI асргача бўлган даврини қамраб олади.

**VII-синф Жаҳон тарихи (51 соат)** -дунё халқлари тарихининг V асрдан XVI асргача бўлган даври ўрганилади.

**VIII-синф Ўзбекистон тарихи (51 соат)** -тарихимизнинг XVI асрдан XIX аср ўрталаригача бўлган давр ўрганилади.

**VIII-синф Жаҳон тарихи (51соат)да** эса XVI асрдан XIX асрнинг 70 йилларигача бўлган давр ўрганилади.

**IX-синф Ўзбекистон тарихи (51 соат)** - мамлакатимиз тарихининг XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1920-йилгача бўлган давр тарихи билан таништиради.

**IX-синф Жаҳон тарихи (51соат)да** XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг 1918 йилларини ўз ичига олади.

Энг янги давр тарихини ўрганиш умумтаълим мактаблари (V-IX синфлар) вазифасига кирмайди. Уни изчилликда ўрганиш ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртларида давом эттирилади.

Ўтган йиллар давомида тарих фани бўйича дастурлар ва дарсликларнинг янги авлоди жаҳон андозаларига мос равишда тайёрланиб,

---

<sup>1</sup> Умумтаълим мактабларида ўқитиладиган тарих фанининг давлат таълим стандартлари “Таълим тараққиёти”. Т: - “Шарқ” НМАК, 1999 йил, 2-махсус сони 27- 29 бетлар.

тизимли шаклига келган бўлсада, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳали мавжудлигича қолмоқда.

1. Бугунги кунда жаҳон тарихини ўқитилиши юзасидан концепция яратилмаган. Жаҳон тарихининг қайси воқеаларини, қайси манбалар ҳамда кимнинг асарлари асосида ўрганиш лозимлиги аниқлаб берилмаган. Масалан: XIX асрнинг 70-йилларидан XX асрнинг 1918 йилларини ўз ичига олган жаҳон тарихи воқеалари. Францияда учинчи республика, “Париж Коммунаси”ни, 1905 йилдаги Россияда биринчи инқилоб, 1899 йил Хитойдаги “Ихетуан” ҳаракати. Шунингдек, XIX-XX асрлардаги фан техника тараққиёти бўйича кимларнинг ихтироларини билиш керак? деган савол ҳам очиқ қолмоқда. Натижада 9- синф “Жаҳон тарихи” (муаллифлар М.Лафасов, У.Жўраев, Э.Холиқов, Д.Қодировалар) дарслигининг 38- “Моддий ишлаб чиқаришда техника ва фан тараққиёти” мавзусида ўқувчи 34 нафар, 39-“Аниқ ва табиий фанлар ривож” мавзусида эса 31 нафар тарихий шахсларнинг исм шарифини ва уларнинг ихтироларини эслаб қолиши керак. Бу эса ўқувчининг психо-физиологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Мазкур дарсликда берилган тарихий воқеалар акс эттирилган йиллар 631 тадан кўп. Бу эса ҳар бир ўқувчига бир соатда фақат Жаҳон тарихи фанидан 15-16 тадан тарихий воқеалар акс эттирилган саналарни ёдлаб қолиши керак дегани. (ўқувчи эса жаҳон тарихидан ташқари, физика, кимё, Ўзбекистон тарихи, ҳорижий тиллар, адабиёт, математика каби бир қанча фанларни ҳам ўзлаштириши лозим.)

2. Нашриётлар томонидан дарсликларни рус тили ва қардош тилларга таржимасига етарли эътибор қаратилмайди.

Масалан; 8-синф “Жаҳон тарихи” (2010 йил “Чўлпон” НМИУ нашриёти) дарслигининг тожик (153 бет) ва туркман (155 бет) тилидаги нусхаларида Американинг кашф қилиниши санаси 1432 (1492) йил қилиб, Россияда опричинанинг жорий этилиши 1563 (1965) йил деб, Австралиянинг кашф этилиши 1603 (1605) йил деб, Бразилиянинг мустақилликка эришиши 1826 (1822) йил деб хато кўрсатилган бўлса, мазкур саҳифадаги XIV-XVII Европада уйғониш даври, 1521 йил Русни Москва атрофида бирлаштирилиши, 1588 йил “Енлилмас Армада”нинг мағлубияти, 1796 йил Эронда Қожарлар сулоласининг ўрнатилиши таржима қилинмаган.

3. Бугунги кунда тарих фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ўқувчилар учун қўшимча ўқув материаллари етишмайди

(тарихий мавзуга оид хариталар, атласлар, мавзуларга оид дидактик ўқув материалар).

4. 9-синф “Дунё динлари тарихи” ўқув қўлланмаси бугунги кунда ўқувчиларга етарли эмас.

5. Тарих фани ўқитувилар учун методик қўлланмалар ва (дарсликлар кесимида) хрестоматиялар етарли эмас.

Бундай муаммоларни бартараф этиш муаммо олиб келиши мумкин бўлган хусусиятларнинг олдини олиш борасида Республикамизда салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 январ “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик Марказни ташкил этиш тўғрисида”ги №ПҚ-1694-сонли Қарорига кўра Марказ ташкил этилди. Мазкур Марказ Ўзбекистонда тарих фанининг ўқитилиши, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этилиши борасида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришни кўзда тутди.